

Истиффордаги жумлани тушунмадим

09:05 / 02.05.2018 4256

Савол:

Ассалому алайкум! Истиффорлар саййиди матнидаги «қўлимдан келганча сени аҳдинг ва ваъдангдаман» деган жумлани тушунтириб берсангизлар.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Алмийсоқда ҳамма Аллоҳга иймон келтириш ва барча буйруқларини [адо](#) қилишни аҳдлашган ва ваъдасини берган. Қолаверса ҳар бир иймон келтирувчи Аллоҳ билан аҳдлашиб Аллоҳга ваъда берган ҳисобланади. Иймонда, ибодатда бардавом бўлиш ўшанга амал қилиш ҳисобланади. Шунинг учун “қодир бўлганимча” деган сўзини қўшиб қўйилган. Валлоҳу аълам!